

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 8 май жума

Сотувда эркин нархда № 92 (1873)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ

ПАЙШАНБА ХАБАРЛАРИ

## ДАВР ВА ОДАМЛАР

*Олий Мажлиснинг XI сессияси юртимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Унда тақдиримизга дахлдор масалалар кўриб чиқилди. Бу эса замондошларимиз кўнглида эртанги кунга ишонч ҳиссини янада мустаҳкамлади.*

### • БИРИНЧИ СУҲБАТДОШ:

**Уста Неъмат НУРИДДИН ўғли, ошпаз (Марғилон шаҳри).**

*— Мен оддий кишиман. Куни кеча сессияни оила аъзоларимиз билан бирга кузатдик. Очиғини айтсам, мамлакатимизда инсоннинг эркин яшаши, улғайиши учун ҳамма шароит бор. Биздан фақат ҳаракат зарур. Бугун ўзимизни эплаб, тўкин-сочин яшашни уддалай олмасак, бунда давлатнинг ҳеч қандай айби йўқ. Бунга ўзимиз сабабчимиз. Йўлбошчимизнинг катта минбардан туриб айтган сўзлари ҳар биримизга қанотдир. У киши раҳбарларга, халққа ишонаяпти. Биз ҳам ўз навбатида шу ишончни оқлашимиз зарур. Танбаллик, бепарволик қилсак, ўзимизнинг оёғимизга болта урамиз. Сессияда қабул қилинган қонунлар мазмунини олимлар, ёзувчилар, журналистлар, раҳбарларимиз элимизга халқона тилда тушунтириб беришлари керак... Шундагина уларнинг таъсир кучи одамларга тез ва соз сезилади. Аниқ ва лўнда, оддий, ўзбекона гапиришни, масалани асослаб беришни Президентимиздан ўргансак яхши бўларди.*

### • ИККИНЧИ СУҲБАТДОШ:

**Абдусамад ота ҚЎШМОНОВ, нафақахўр (Ғаллаорол тумани).**

*— Турли лавозимларда ишлаб келганман. Лекин мана, сенга шароит, ишла, ўзингни кўрсат, дадил бўл, деган гапни эшитмадим. Ҳамма бир хил фикрлаб, кимнингдир чизиғидан юришга ўрганиб қолган эди. Бажараётган ишингдан кўра, мўмин-қобиллигинг, тўғрими-нотўғрими топшириқни сўзсиз бажаришингга эътибор беришарди. Юртбошимиз сессияда чин юракдан, куюнчаклик билан раҳбарларга қарата «Сизга ишонган, сизга инонган одамларни ҳимоя қилишга ўрганинглар. Ҳамма ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди... Раҳбар деганни мен фақат фидойи деб биламан, халқ ичига боринглар, унинг оғирини енгил қилинглар. Қўрқманглар, қийналиб қолсаларинг, ёнларингда мен борман», дедилар. Шундай даъватдан кейин ғурурли, миллатни севадиган раҳбарлар жон-жаҳди билан меҳнат қилишлари зарурат, деб ўйлайман.*

### • УЧИНЧИ СУҲБАТДОШ:

**Пирмат бобо НУРМАМАТ ўғли, чўпон (Хатирчи тумани).**

*— Худога шукур. Тинч кунларда яшаяпмиз... Шуни қадрлашимиз керак. Оллоҳ кўрсатмасин, бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кунлик насиба кўтарилади. Болаларимиз, невара-чевараларимиз бахтига тинчлик бўлсин. Бошқа ишлар ўз ўрнига тушиб кетади.*

*Умрим қир-адирда ўтаяпти. Вақти-соати билан туман марказига келиб, шу ердаги ободончилик-қурилишларни кўриб хурсанд бўлиб кетаман. Ҳали бир кунлар келади, биз жаҳондаги энг зўр давлатга айланамиз. Ёнимда доимо радио... Сессияни радиодан эшитдим... Халқнинг ғамини еб, элнинг ташвишини ўйлаб айтилган гапларни тинглаб бошим осмонга етди. Юртбошимизга, депутатларимизга, раҳбарларимизга Яратган куч-қувват ато этсин. Ёшларимизни инсоф-имон тарк этмасин. Илоё, юртимизда тинчлик, хотиржамлик бўлсин. Шунинг ўзи давлат, шунинг ўзи ҳар қандай бойликдан афзалроқдир.*

### • ТЎРТИНЧИ СУҲБАТДОШ:

**Иброҳим ҚОДИРОВ, деҳқон (Олтинсой тумани).**

*— Гапга унчалик йўқман. Ўзимнинг тушунчам бўйича фикр билдирсам, ер гулласа деҳқоннинг қадди тик, сўзи таъсирли, бели бақувват бўлади. Бу йил биз, деҳқонларнинг кўнглимиздаги ишларга қўл урилди. Сессияда кўрилган масалаларда асосан қишлоқ хўжалигида етилган муаммолар ўртага ташланди. Ерга, мулкка эгалик қилиш тушунчаси ҳар бир деҳқоннинг онгида бўлиши керак, деган гаплар жудаям маъқул. Очиғи, шароит яратилиб, қонуний жиҳатдан ҳимоя қилинган деҳқон ердан юқори ҳосил олади. Ерни алдамайди. Қишлоқ хўжалигини кўтариш йўлида қабул қилинган қонунларда биз каби деҳқонлар ва уларнинг оиласи манфаати кўзда тутилган. Эндиги гап шу қонунларга ҳаётимизда тўлиқ амал қилинишидадир. Айниқса, юртбошимизнинг сессиядаги бир гаплари жон қулоғимда турибди. У киши, қадоқ қўллари билан бизларни боқадиган деҳқон қонунни жорий этишда, албатта, қатнашиши, ўз фикрини билдириши керак, дедилар. Демак, ишлайдиган одамнинг, деҳқоннинг гапига қулоқ тутадиган замон келди. Бу катта гап.*

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55 133-07-48, 136-37-85

Соат милларини Қўчқор НОРҚОБИЛ кузатди.



## ИСТИҚЛОЛ ДАСТХАТИ

Биздан яхши амалларимиз ва қурган иморатларимизгина қолади, деганида соҳибқирон бобомиз ҳақ эдилар. Пойтахтимизда қад ростлаётган мустаҳкам иморатлар бугунги ҳур давримизга қўйилган ҳайкалдир. Зеро, «Ўзбекистон пўлат конструкциялари» трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорларининг ҳар бир лаҳзаси ана шундай мангуликка дахлдордир, деса арзийди. Улар бунёд этган ранг-баранг меъморий иморатларнинг саноғи йўқ. Бошқарма жамоаси айни пайтда «Ойбек» метроси яқинида янги супермаркет қурилишида фаол қатнашмоқда. Монтаж ишлари бекаму-кўст олиб борилмоқда.

**СУРАТЛАРДА: пайвандловчи Г. Муҳаммадиев қурилиш объектида; монтажчи Ш. Шокамоловнинг иши кўпчиликка ибрат.**

**Т. КАРИМОВ олган суратлар.**

## ИШДА СИФАТ ВА СУРЪАТ ЗАРУР

**Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, тегишли вазирлик, идора ва концернлар раҳбарлари иштирок этди.**

Кенгашни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И. Жўрабеков бошқарди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда иқтисодиётнинг асосий тармоғи — қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидладилар. Олий Мажлис ўн биринчи сессиясида қабул қилинган қонунлар бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиб беради. Президентимиз таъкидлаганидек, эндиликда бу муҳим ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини деҳқонларга тушунтириш, ишни янгича ташкил этиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу йил Оролбўйи минтақасида 145 минг гектарга чигит, 75 минг гектарга шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини экиш режалаштирилган. Бироқ кузда ер шўрини ювиш, шудгорлаш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетгани, техника ўз вақтида таъмирдан чиқарилмаганлиги боис чигит экишда қолоқликка йўл қўйилмоқда. Чигит униб чиққан далаларда эса ғўзани парвариш қилишда камчиликларга йўл қўйилиб, агротехника қоидаларига қатъий амал этилмаётир.

Кенгашда экиш ишларини жадаллаштириш, ғўза парваришини сифатли ўтказиш, техникани мавсумга барвақт шайлаш, далада ишлаётганлар учун барча зарур маданий-маиший шароитни вужудга келтириш борасида мутасадди раҳбарларга аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т. Камолов иштирок этди.

**А. ИСКАНДАРОВ.**

## ҒАЛЛА ЎРИМИГА ШАЙМИСИЗ?

Навоий вилоятида бу йил 45 минг гектар майдонда бошоқли дон экинлари парваришланмоқда, шундан ўн минг гектари лалмикор ерлардир. Деҳқонлар салкам 120 минг тонналик хирмон уюш ниятида. Хўш, ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик қандай бормоқда?

Навоий шаҳрида ғаллакорларнинг ана шу масалага бағишланган йиғилиши бўлди. Унда ўрим-йиғим мавсумига тайёргарликнинг аҳволи атрофлича таҳлил этилди. Вилоят техникани таъмирлаш ва уни назорат қилиш ташкилотлари раҳбарлари, туман ҳокимлари ўринбосарларининг ана шу ҳақдаги ахборотлари тингланди. Айниқса, Навоий, Конимех, Қизилтепа, Хатирчи, Нурота, Навбаҳор туманларида дон ўриш комбайнларини қисқа вақт ичида сифатли таъмирлашни туғаллаш, етарли миқдорда ёнилғи-мойлаш ва эҳтиёт қисмлар жамғариш зарурлигига эътибор қаратилди. Ғаллани пешма-пеш қабул қилинишини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ҳ. Ғаффоров сўзга чиқди.

**Ёрқул УМАР.**

СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ НИГОҲИ

## БУГУНГИ РОССИЯ

### У ҚАЙСИ ЙЎЛДАН БОРМОҚДА?

Бугунги Россия ҳаётига назар ташласангиз, унинг қийин сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий муаммолар гирдобидан қутилишга, демократик тараққиёт ҳамда эркин бозор иқтисодиётини жорий этиш йўлидан боришга интилаётганлигини кузатиш мумкин.



Очиғини айтганда, бу жараён ҳозирда осон кечаётгани йўқ. Мамлакатда демократик ўзгаришлар ва бозор тамойилларини таркиб топтиришга ҳаракат қилаётган ҳукуматга кейинги етти йил мобайнида эски тузум тарафдорлари бўлган сўл кучлар — коммунистлар муттасил тўғаноқ бўлиб келишмоқда. Шу боис ҳам Россия гўёки икки қутбга бўлингандай: демократик янгиланишлар йўлини танлаган Ельцин Россияси ва эски тузумни қайтаришни истаётган Зюгановчилар Россияси. Келинг, бу ҳолатни батафсилроқ кўриб чиқайлик.

### ЕЛЬЦИН РОССИЯСИ

Маълумки, 1991 йил собиқ совет империясида яшаб келган халқлар учун янги давр бошланган тарихий нуқта бўлди. Шу йили тоталитар тузумнинг собиқ қурбонлари ўз мамлакатларининг озод бўлишига эришди ва миллий давлат сифатида қайта тикланиш имкониятини қўлга киритди.

Империянинг асосини ташкил этган Россиянинг ўзи ҳам янгиланиш жараёнларидан четда турмади. МДҲни тузишда фаол иштирок этган Россия Ҳамдўстлик доирасида ҳуқуқий тенглик зарурлигини тўғри англаб етиб, **«собиқ Иттифоқни қайта тиклаш фожиага айланиб кетади» (Б. Ельцин)**, дейиши кўпчилик ҳамкорларини унга муайян ишонч билан қарашга ундамоқда.

Энди мамлакат ички ҳаётига келсак, жамиятда демократик тамойилларни таркиб топтириш учун аввалбошданоқ бир қатор сиёсий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилдики, нисбатан бўлса-да, кўзланган ниятга эришиш имкони туғилди. Мамлакат Конституцияси сўл кучларнинг қаршилигига қарамай қабул қилингани, Федерал Кенгаш ва Давлат думаси сингари парламент институтлари ташкил этилгани Россиянинг демократик йўлдан изчил боришга аҳду паймон қилганининг далилидир. Федерация субъектлари билан марказ ўртасидаги муносабатларнинг тегишли шартномалар асосида ўрнатилганлиги ҳам муҳим сиёсий аҳамиятга эга тадбир ҳисобланади. Лекин Чеченистон урушининг бошланиши Ельцин Россияси обрўсига анчагина путур етказди. Яхшиямки, бу урушга вақтида чек қўйилди.

**(Давоми 3-бетда).**

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

**МОСКВА, 7 май.** ***(ЎзА махсус мухбири Беккул Эгамқулов хабар қилади).*** Бугун эрталаб мамлакатимиз раҳбари ўзига ажратилган қароргоҳда Москва шаҳри мэри Юрий Лужковни қабул қилди. Шаҳар мэри билан биргаликда Манеж майдонидаги "Охотнийряд" савдо мажмуини бориб кўрди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Россия ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон бозорида россиялик тадбиркорларнинг янада фаол иштирок этиши ҳар икки мамлакат манфаатларига бирдек мос келишини таъкидлади.

Ислом Каримов С.Ильюшин номидаги авиация мажмуида ҳам бўлиб, мазкур корхона фаолияти билан танишди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Икки давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэропортида олий мартабали меҳмонни тантанали кузатиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Россия Давлат мадҳиялари янграду. Мамлакатимиз раҳбарини Россия Федерацияси ҳукумати раиси С.Кириенко ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

* * *

7 май куни кечқурун Президент Ислом Каримов Москвадан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

## МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Пойтахтдаги Темурийлар тарихи давлат музейида Олий Мажлис XI сессияси якунлари ва Президентимиз Ислом Каримов нутқида баён этилган хулоса ҳамда кўрсатмалардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, қўмиталар, идоралар, ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчилик вакиллари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизхўжаев нутқ сўзлади.

Олий Мажлис ўн биринчи сессияси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлгани йиғилишда алоҳида таъкидланди. Унда қабул қилинган ҳужжатлар, мамлакатимиз, айниқса, қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга хизмат қилишига эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг нутқида мамлакатимизда таркиб топган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, аҳолини, айниқса, ёшларни юксак маънавий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш масалаларига муҳим ўрин берилди. Бу борада жуда катта ишлар олиб борилаётганига қарамай, айрим жойларда нохуш воқеалар содир этилаётгани кузатиляпти. Бу эса маънавий-маърифий тарбия билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш, миллий мафкурамизни шакллантириш, маънавиятимизни янада юксалтириш, уни умумбашарий тамойиллар билан уйғунлаштиришни тақозо этади.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов сўзга чиқди.

**ЎзА**

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқандда вилоят фаолларининг Олий Мажлис ўн биринчи сессияси якунлари ва унда Президентимиз Ислом Каримов нутқида ўртага қўйилган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлди. Уни вилоят ҳокими А.Мардиев бошқарди.

Йиғилишда Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган Ер кодекси, Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтаришда ғоят муҳим ҳуқуқий асос бўлиши қайд этилди. Бу ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш қишлоқда мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш, ишни янгича ташкил этиш, деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш имконини беради. Шу боис қишлоқда яшовчи ҳар бир инсоннинг ҳаёти, тақдирига бевосита дахлдор бўлган бу қонунларни ҳар бир вилоят, ҳар бир туман, ҳар бир хўжалик ва жамоада чуқур ўрганиб, уларнинг мазмун-моҳиятини теран англаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса барча зарур ташкилий ва тарғибот ишларини кенг йўлга қўйишни тақозо этади. Президент кўрсатмалари бу борада дастуриламал бўлмоғи даркор.

Сўзга чиққанлар янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамиятига тўхталиб, унинг аҳолини, айниқса, ёшларни юксак маънавий қадриятларимиз ва анъаналаримиз руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар. Бу ишга мутасадди раҳбарлар, маҳалла фаоллари, нуронийлар, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

**Ҳамза ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.**

УШБУ СОНДА

САОДАТНОМА

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

АКС САДО

ЁРУҒ КУНЛАР ҚАДРИ

2-бет

«ҲАВАС — 98»: МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

*Кеча Тошкент шаҳридаги «Динамо» теннис кортларида «Ҳавас — 98» республика мусобақасининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди*



4-бет

## САОДАТНОМА

# ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

Яқинда бўлиб ўтган республикамиз Олий Мажлисининг XI сессиясида Президентимиз мамлакатимиз келажагига ташқи тажовуздан ҳам кўра тинчлигимизни ичдан бузадиган кучлар кўпроқ хавфли эканлигини таъкидлаб, шундай дедилар: **«Бу жуда катта муаммо. Ўзбекистоннинг келажагига хавф солаётган, умуммақсадларимизни, орзу-ниятларимизни барбод қилиши мумкин бўлган, авлодларимизни хавф остида қолдирадиган катта таҳдид бу!»**

Президентнинг бунчалар ташвишланиб билдирган фикрлари ҳаммани огоҳ қилиши, ҳушёрликка чорлаши керак.

Тинчлик-осойишталикни, миллатлараро ва ички миллий тотувликни таъминлаш, жамиятимиз ахлоқ нормаларини ҳимоя қилиш кимнинг вазифаси, деган савол туғилиши мумкин. Ҳозирда кўпчилик бу вазифани ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси, деган бирёқлама фикрни баён этмоқдалар. Аслида, бу вазифа барча Ўзбекистон фуқароларининг муқаддас бурчи бўлмоғи зарур. Авваламбор бу ишда зиёлилар асосий роль ўйнашлари, халқни маърифат-маънавият сари етаклашлари лозим. Олиму уламоси ношуд, адибу шоири журъатсиз, фикрсиз, бошқа зиёлилари лоқайд ва ланж бўлган миллат ойдин келажак ҳақида орзу қилиши мумкинми?

Мамлакатимиз мустақиллигининг еттинчи йилида маънавий-маърифий, мафкуравий ишларни янада такомиллаштириш ва мазмунан янгилаш, унга янги шакл бериш эҳтиёжи туғилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарихий тараққиёт ҳеч қачон силлиқ ва зиддиятларсиз кечмаган, жумладан, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб эскилик ва янгилик, жаҳолат ва тараққиёт ўртасида мафкуравий кураш бормоқда.

Ўша илк кунлардаёқ баъзи бир «демократлар» ўзларининг шахсий ғаразли мақсадлари йўлида ёш давлатимизни бир неча бор фуқаролар уруши гирдобига тортмоқчи бўлдилар. Фақатгина Президентимизнинг босиқлиги, халқимизнинг тинчлигини сақлаш йўлидаги қатъияти ва жасурлиги туфайли мамлакатимизда Тожикистондагидай воқеалар такрорланмаслиги кафолатланди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, ўша хавотирли даврда халқимиз ўз Президентини якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Халқ ғазабидан қўрққан газандалар очиқдан-очиқ исён чиқариш йўлидан қайтиб, пана-пастқамларга бекиниб ҳаракат қила бошладилар. Уларнинг баъзилари эса «қулай» вақт келишини пойлаб ётдилар. Бундай кимсалар ўз тактикаларини ўзгартиришларига яна бошқа жиддий объектив ижтимоий-сиёсий сабаблар ҳам бор эди.

Энг аввало, мустақилликнинг дастлабки кунларида манфур шўролар тузумининг халқ тақдири ва қалбида қолдирган жароҳатлари ҳали янги эди. Халқимиз собиқ совет тузуми шароитида ўзининг миллий ғурури ва манфаатлари, тарихий ва маънавий қадриятлари топталганлигини унутмаган эди. Бундай руҳий шароитда ўзбек халқининг мустақиллигига очиқдан-очиқ қарши чиқишга ғаразли кимсалар ботина олмадилар.

Мустақиллигимизнинг илк кунларига хос яна бир тарздаги воқеаларни албатта тилга олишимиз керак. Бизда мустақиллик ғалаба қозонган. Аммо собиқ шўролар тузуми охирги дамларини ва ўлим талвасасини бошидан кечираётганлигини яхши пайқаган Марказ ўша тарихий дамларда ўз умрини чўзиш учун минг хил ҳийла-найрангларни ишга сола бошлади. Бу қаллобликларнинг ҳаммасини санаб адоғига етиб бўлмайди. Биргина ўйлаб топилган «Ўзбеклар иши» (ёки «Пахта иши») деб аталмиш энг катта ва машъум ўйиннинг ўзи бу тузумнинг башарасини кўрсатишга етарли далилдир. Аслида «Ўзбеклар иши» Марказнинг бошқа халқларни ҳам исканжада ушлаб туришга ва уларнинг «кўзини очиб қўйиш»га қаратилган мудҳиш бир тадбири эди. Айни шу кўргуликларни бошидан кечирган халқни Истиқлол неъматларидан бебаҳра қилишга ҳар қандай уриниш ўзлари учун хунук тугашини билган собиқ шўро мафкураси ва тузуми тарафдорлари ҳам пана-пастқамда писиб ётишга мажбур эдилар.

Учинчидан, бизнинг мустақил ривожланиш йўлига кирганимизни кўрган собиқ Марказ раҳбарлари, янги Россиядаги баъзи бир калтабин, буюк давлатчилик шовинизми васвасасидан қутила олмаган сиёсатчилар бошқа халқлар қатори ўзбеклар ҳам барибир мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб боролмасдан яна Москвага бош эгиб келадилар, деб хомхаёл қилган эдилар. Бундай кимсалар кам бўлса-да, бизнинг орамиздан ҳам топилар, аммо уларнинг дами ичида эди.

Объектив ҳаёт эса улар чиза бошлаган режаларнинг тамомила аксини кўрсатди. Ёш давлатимиз ўзи танлаган ҳуррият йўлидан дадил ривожланди, тез орада дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Халқаро сиёсий-иқтисодий ҳамкорликларга фаол киришиб кетдики, эндиликда бу халқни орқага, яна қуллик замонларига қайтариш мумкин бўлмай қолди.

Мамлакатимиз Президенти мустақилликни сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан бирга, биринчи навбатда, унинг қонуний асосларини яратиб боришга раҳбарлик қилди ва йил сайин бу жараёнга янги куч ва мазмун бағишлади.

Мустақилликнинг илк босқичидаёқ Президентимиз томонидан илгари сурилган ижтимоий-иқтисодий ривожланишимизнинг машҳур беш тамойили реал заминга таяниб ишлаб чиқилганлигини ва ҳаётий мазмунга эга эканлигини турмуш тараққиётининг ўзи исботлади.

Бизнинг ютуғимиз яна шунда бўлдики, навқирон янги давлатимизда иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар билан бир қаторда маънавий-маърифий ишларга ҳам устуворлик берилди. Зеро, инсон онгида, қалбида, шуурида ўзгариш ясамай туриб, юрагига озодлик, ўзликни англаш туйғуларини жойламай туриб қўли-оёғидаги қуллик кишанлари буткул узилганига уни ишонтириб бўлмайди, озод ва обод давлат қуриш ҳам муаммолигича қолаверади.

Шу боисдан бир неча ўн йиллар давомида топталиб, оёқ ости қилиб келинган миллий ғуруримизни, маънавиятимизни, қадриятларимизни, буюк маданиятимизни тиклаш, ўзликни англашга имконият яратиб бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жаҳон цивилизацияси тараққиётида ўзбек халқининг муҳим тарихий ўрнини кўрсатишга, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди.

Бугун жаҳон ҳамжамиятида мустақил Ўзбекистон давлати сезиларли мавқега эга, Президентимизнинг нуфузли халқаро минбарлардан маъруза қилиб, илгари сурган салмоқли фикр ва таклифлари юксак сиёсий доираларда алоҳида диққатга сазовор бўлаяпти, дунёда ривожланишнинг «Ўзбек модели» ҳақида гапирила бошлангани эса, табиийки, барчамизнинг қалбимизни ғурурга тўлдиради.

Жамиятда вужудга келтирилган тинчлик-тотувлик, осойишталик, миллатлараро иноқлик, миллий якдиллик бизнинг энг катта ютуқларимиздандир. Бундан ташқари, мамлакат Президентининг миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги изчил саъй-ҳаракатлари ютуқларимизнинг асосий омилларидан бўлмоқда. Бундай шароитда халқимиз мамлакат иқтисодий қудратини юксалтириш ва ҳар бир оиланинг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган яратувчи, ижодий ва кўп ҳолларда тадбиркорликка асосланган бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиши учун кенг уфқлар очилди.

Албатта, ёш мустақил давлатимизнинг ана шундай дадил қадамлари ва унинг шахдам ривожланиш йўлига тушиб олганлиги ғаразли кимсаларнинг ва «катта оғалик» ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, армон билан яшаётган зотларнинг пайтавасига қурт туширди. Энг ачинарлиси шундаки, бундай жирканч ниятли кимсаларга ўз орамиздан чиққан айрим мунофиқлар патак-пайтава бўлиб хизмат қилмоқдалар.

Уларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб демократияни, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини «ҳимоя қилиш» ниқоби остида ҳокимиятни қўлга олишга уринган, ниятлари амалга ошмагач, хорижга қочиб, четдаги «ҳомий амакилар»ининг валютаси эвазига малайликни ўзига касб қилаётган кимсалар **биринчи гуруҳ**га мансубдир. Улар халқимизнинг яратувчилик фаолиятидан узилиб қолган, ишлари сафсатабозлик ва тирноқ остидан кир қидиришдан иборат. Улар на сиёсат, на иқтисод бобида тайинли бирон мутахассисликка эга бўлмаганлари ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларни зўр бериб, чираниб танқид қилишга уринмоқдалар.

Хорижий диний ҳомийлар хизматига астойдил бел боғлаган, сохта «имон софлиги» шиори остида садақа эвазига халқимизнинг диний, миллий ҳис-туйғуларини, ота-боболаримизнинг қабрларини, улуғ инсонларнинг табаррук қадамжоларини топтаётган, мамлакатимиз ичида ихтилоф келтириб чиқаришга интилаётган диний-экстремистик кайфиятдаги бебош кучлар **иккинчи гуруҳ**га мансубдир. Улар умрини яшаб бўлган чиркин ақидаларни ўзларига дастак қилиб олиб, мамлакатимиздаги тинчлик, тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатликни барбод этиш, XXI аср бўсағасида миллатимизни тағин орқа асрларга, иқтисодий-сиёсий, маънавий қолоқлик қаърига улоқтириш пайидадирлар.

Улар диний ақидапарастлик билан ниқобланган кимсалардир, асл ниятлари эса юртга эга бўлиб, халқимизни асрий қуллик ва жоҳилия замонларига қайтаришдир. Ватан равнақи, халқимизни дунёнинг энг илғор ва юксакликка кўтарилган миллатлари қаторида кўриш тушунчалари, мустақиллик ва ўн йиллар давомида интиқ бўлиб кутган ҳамда эришаётган орзу-умидларимиз улар учун мутлақо бекадрдир. Таассуфки, жоҳилликни маърифат деб билган бу кимсалар мусулмонни мусулмонга қарама-қарши қўймоқдалар, ота-оналар ва фарзандлар ўртасида нифоқ туғдирмоқдалар. Дунёдаги энг қимматли неъмат бўлмиш инсон ҳаётини ўзларининг манфур сиёсий кирдикорлари йўлида сариқ чақага олмаяптилар. Ўз ёвузликларининг бегуноҳ қурбони бўлган кишиларнинг тул хотинлари, етимлик кулфатига учраган фарзандлари ва муштипар оналарнинг кўз ёшлари бундайлар учун мутлақо аҳамиятсиздир.

**Учинчи гуруҳ**га мансуб бўлмиш, эски шўролар даврида юқори мансаб ва имтиёзларга эга бўлган, бир умр коммунистик мафкурага дастёрлик қилган, суяк-суягигача шу мафкуранинг қули бўлиб қолган коммунистик ақидапарастлар учун ҳам мамлакатимизнинг равнақидан кўра, унинг таназзулга юз тутиши «қувончлироқ»дир.

Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунларида, эски гина-кудуратларни четга қўйиб, биргаликда янги мустақил Ўзбекистон давлатининг равнақи учун курашайлик, деб шиор ташлаган эди. Бу чақириқдан сўнг бадният гуруҳлар очиқ курашга ботина олмай, боши берк кўчаларда юрдилар. Йиллар ўтиши билан эса эски давру давронлар қайтиб келмаслиги уларга янада кўпроқ аён бўла бошлади. Бу эса уларнинг туну кун оромини ўғирламоқда.

Афтидан, бундай тоифалар ҳозирга келиб сувлар сепилиб, излар босилди деб ўйлашди шекилли, тағин унда-бунда ғимирлаб қолишди. Уларнинг айни кунлардаги гапининг аввалгисидан фарқи шундаки, эндиликда умуминсоний қадриятлар, миллий маданият, манфаатлар ҳақидаги ваъзхонликларини марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларидан кўчирмалар билан эмас, балки улуғ аждодларимизнинг меросидан дидсизларча ва илмий таомилга риоя қилмасдан, узиб-юлиб олинган иқтибослар билан изоҳламоқдалар. Юқорида келтирилган фикрларга исбот тариқасида турли анжуманларда сиёсатнинг ҳавосини олган айрим «академикларимиз» ва дин пешволари ҳамда табиати номукаммал баъзи зиёлиларимизнинг билдираётган «фикрлари»ни далил қилиб келтиришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда бундай «халқ фидойилари»нинг ўз чиркин мақсадларига эришмоқлари учун ҳеч қандай ижтимоий-сиёсий ва тарихий «замин» йўқ, албатта. Лекин бундай ҳаракатларга хотиржамлик билан қараб ўтириш гоҳида нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам зинҳор эсдан чиқариб бўлмайди. Чунки ғанимларимиз бизнинг лоқайдлигимиз, бепарволигимиздан фойдаланиб, ўтиш даврининг табиий қийинчиликларини рўкач қилиб, баъзи ёшларимизнинг шаклланиб улгурмаган онгига ўзларининг қабиҳ мақсадларини сингдиришга ҳаракат қилмоқдалар. **Ёшларимизни ҳар қандай ақидапарастликка тортишга қаратилган бу уринишларни, хоҳ у диний бўлсин, хоҳ коммунистик бўлсин, барибир келажагимизга бўлган хиёнат, деб баҳолашга тўғри келади. Чунки диний ақидапарастлик ҳам, коммунистик ақидапарастлик ҳам тараққиётга, мустақиллигимизга, ўзлигимизни англашга, миллий ғуруримиз ва шууримизга қарши қаратилган бўлиб, бизларни кимларнингдир қўлидаги қўғирчоққа айлантириши мумкин.**

Шунинг учун бундай оғишларга қарши кураш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Демак, биз энди ҳар хил диний ва сохта мафкуравий тамойиллар билан ниқобланган ўзбошимчаликларга қарши курашни қонуний асосга қўйиш имкониятига эга бўлдик. Сессияда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов сўзга чиқиб, жойлардаги давлат, адлия органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари, олий мактаб, халқ таълими, маданият ходимлари олдига ислом фундаментализми, экстремизм, ваҳҳобийлик, мессионерлик кўринишлари, олға қараб қилаётган ҳаракатимизга тўсиқ бўлиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб бориш вазифаларини қўйди. Бу вазифаларни бажаришда биз асло лоқайдлик ва масъулиятсизликка йўл қўймаслигимиз керак.

Бизнингча, олдимизда яна бир муҳим вазифа турибди. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг мустақиллик мафкурасини ишлаб чиқиш, уни ҳаётга кенг татбиқ этиш заруратига эҳтиёж тобора кучлироқ сезилмоқда. Бу мафкуранинг асоси Президентимизнинг асарларида кўрсатиб берилган бўлиб, унинг негизи бизнинг миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва хусусиятларимизнинг умумбашарий демократик тамойиллар билан узвий уйғунлашувидан иборатдир.

Бизнинг мустақиллик мафкурамиз мустамлакачилик даври мафкурасидан тубдан фарқ қилмоғи лозим. Мустамлакачилик мафкурасининг — коммунистик мафкуранинг замини, асоси бўлмаган, у фақат бир қарашда чиройли, олийжаноб, аслида эса зўрлик билан дунёни ўзгартиришни мақсад қилиб олган хаёлий ғоялар, сафсата назариялар асосида бунёд бўлган. У бизнинг қадриятларимизга, анъаналаримизга, урф-одатларимизга зид мафкура эди.

Бундан фарқли ўлароқ, **мустақиллик мафкураси ўзликни англашга, қадриятларни тиклашга, яхши анъаналаримизни авайлаб-асрашга, миллатимизнинг маънавиятини кўтаришга, миллий хусусиятларимизни умумбашарий демократик тамойиллар билан оқилона уйғунлаштиришга қаратилган мафкурадир**. Бу мафкура ўз мазмун-моҳиятига кўра, коммунистик мафкуранинг барча сарқитларидан, ҳар қандай кўринишларидан буткул халос бўлиши лозим.

Мафкуранинг кучи — қандай ғояни ким, қай усулда омманинг онгига етказиб бера олишида намоён бўлади.

Миллий мафкура халқнинг орзу-умидлари, истаклари, урф-одатлари, қадриятларига мос тушса-да, лекин уни оммага етказишда ношудлик, нўноқлик, сусткашлик қилинса, мафкура халқ онгига, юрагига етиб бормаса, у қоғозда қолиб кетаверади.

Ҳозирги кунда баъзи мафкурачиларимиз, маънавият-маърифат соҳасида ишловчи арбобларимиз эскича шакл ва усуллардан фойдаланишга чақирмоқдалар. Албатта, биз ўша шўролар тузумидаги баъзи бир шакл-усуллардан фойдаланишимиз мумкин.

Биринчи навбатда, масалан, ўша даврдаги мафкурачиларнинг ҳақиқий фаоллиги, дадиллиги, кўпроқ омманинг ичига кириб бориши, ўз ғоясини ўтказишдаги қатъиятидан.

Бизнинг ҳозирги мафкура ходимларимизда, элга зиё тарқатиш асосий вазифаси бўлмиш зиёлиларимизда шу дадиллик ва жасорат, фаоллик етишмайди. Айрим раҳбарларимиз эса пана-панада, бировнинг орқасига ўтиб ишлашга ўрганиб қолишяпти.

Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин. Халқимизнинг урф-одатларига, миллий хусусиятларига, хоҳиш-иродасига зид бўлган коммунистик мафкуранинг асоратлари баъзи кишиларимизнинг онгида сақланиб қолганлигининг сабаби нимада? Асосий сабаб—шўролар мафкураси ҳам сиёсий, ҳам давлат ҳокимиятини қўлида ушлаб турган коммунистик партиянинг зўрлаш аппаратига асосланганлигидадир. Бу мафкура халқнинг туб манфаатларидан узоқ бўлганлиги учун унинг қалбига кира олмади, бироқ атрофлича, узлуксиз, изчил қатъият билан олиб борилган мафкуравий кураш ақл-идрокларни заҳарлади ва уларда муайян ўзгаришлар ясади.

Бизнинг миллий мафкурамиз давлатнинг зўрлик аппаратига асосланмаслиги, таянмаслиги керак. Чунки бу мафкура халқимизнинг орзу-умидларига, ўй-фикрларига асосланган бўлиши, уни умумхалқ мақсадига айлантириш учун, биринчи навбатда, давлат механизми ўрнига зиёлиларимиз, жамоат ташкилотларимиз, жамғармаларимиз кўпроқ ҳаракат қилиши керак.

Қолаверса, ҳозирги мафкурачиларимизда миллий мафкурамизнинг мазмун-моҳияти, унинг теран миллий манбалари ҳақида тўла тушунча йўқ. Бир ҳақиқатни унутмаслик керак: ҳар қандай мафкура миллий асосга эга бўлган вақтдагина, у нафақат одамларнинг онгига, балки юрагига ҳам етиб боради.

Чунки тарихнинг ўзи кўрсатди: давлатнинг зўрлик аппаратига асосланиб, бир неча авлод онгига мажбуран киритилган шўролар мафкураси бир силкинишда чок-чокидан сўкилиб кетди.

Бизнинг ўз миллий заминига эга бўлган миллий мафкурамиз шўролар мафкурасидан фарқ қилиб, ҳар қандай силкинишлардан сўнг, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларини жипслаштиришга хизмат қилиши керак. Мустақиллик бизга бу имкониятни яратиб берди.

Ҳар қандай ривожланаётган жамият, давлат барибир муайян кўринишдаги ўз мафкурасига, миллатни бирлаштирувчи ва олға ундовчи ғоялар тизимига эга бўлади. Бусиз ҳар қандай давлат ва жамият эртами-кечми инқирозга дуч келади.

Бинобарин, давлатнинг миллий мафкураси асосида сиёсий партиялар ва ташкилотлар ўз мафкуравий ишларини амалга оширадилар. Сиёсий партиялар сони қанча бўлишидан қатъи назар, уларнинг асосий вазифаси умуммиллий, умумдавлат мафкурасини ҳаётга у ёки бу шаклда татбиқ этишдан иборатдир. Улар шу мақсадда турли усуллардан ва йўллардан фойдаланишлари мумкин. Аммо моҳият битталигича қолиши керак. Шунинг учун ҳам хорижий мамлакатларда ҳокимият тепасига қайси партия келишидан қатъи назар, давлатнинг асосий ички ва ташқи сиёсатининг моҳияти сезиларли ўзгармайди.

Шу ўринда Америка Қўшма Штатларида «Американча яшаш тарзи»дан фахрланиш, уни бутун дунёга олий идеал сифатида ёйиш ҳар бир американинг ҳаёти мазмунига айланганлигини эслаб ўтиш жоиздир. АҚШда ҳокимият тепасига республикачилар ёки демократлар партияси келадими, бундан қатъи назар, «Американча яшаш тарзи»нинг афзалликларини сақлаб қолиш ҳамиша бош мақсадлигича қолаверади.

Миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш, бойитиш ва унинг ҳаётимизда устувор бўлишига эришишда мамлакатимиз илмий жамоатчилиги алоҳида куч-ғайрат кўрсатишлари лозим. Шунингдек, бу жабҳада республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Камолот», «Маҳалла», «Нуроний», «Олтин мерос» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмиталари сингари жамоат ташкилотлари фаол камарбаста бўлишлари зарур.

Лекин таассуфлар бўлсинки, улар ўзларига юклатилган вазифани ҳозирги кун талаблари даражасида олиб боролмаяптилар. Ушбу ташкилотларнинг ишларида ҳали ҳам қандайдир ҳадиксираш, бепарволик ва лоқайдлик сезилади. Миллатнинг кейинги тақдири билан боғлиқ бўлган масалаларга ҳар қандай бепарволик ва лоқайдлик кейинчалик бориб Ватан ва мустақилликка нисбатан хиёнатга олиб бориши мумкинлигини тушуниб етмоғимиз лозим.

Шуни айтиш керакки, миллий мафкура бўлмаган ёки бўш қолган жойда бу бўшлиқни, хоҳлаймизми-йўқми, жамиятнинг соғлом тараққиёти учун зарарли бўлган оқимлар эгаллаб оладилар. Бир қарашда ҳатто беозор бўлиб кўринадиган, турмушимиз учун ёт оқимлар ва маслаклар тараққиётимиз йўлига ғов бўлиши, ёшларни дунёвий илм олишдан, илғор миллатлар сафида бўлишга интилишдан чалғитиши мумкинлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. XI сессиядаги сўзида Президентимиз худди ана шу муаммога ҳам жамиятнинг эътиборини қаратди. Айрим вилоятларимизда юз берган кўнгилсиз воқеалар бунинг далилидир.

Шу сабабли бугунги кунда олиб бориладиган маънавий-маърифий, мафкуравий ишларни янада такомиллаштириш ҳамда уни шаклан ва мазмунан янгилаш зарурати ҳар қачонгидан кўра долзарброқ аҳамият касб этмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, бизнинг бу фикрларимиз баъзилар учун бироз кескин, ҳатто бўрттирилгандай бўлиб туюлиши мумкин. Модомики, гап ота-боболаримиз орзу қилган, кимлар етиб, кимлар етолмаган мустақилликни қадрлаш, ёшларнинг қалбида ўз Ватани мустақиллигига фидоийлик ҳис-туйғуларини тарбиялаш, Ватан ва авлодлар тақдири ҳақида борар экан, кўтарилган масалага бошқача ёндашиш мумкин эмас, деб ўйлаймиз.

Президентимизнинг деярли ҳар бир нутқида буюк аждодларимизга мос авлод бўлишга, Ватан истиқболи учун курашчи ёки жонкуяр бўлишга даъват сўзларининг куюнчаклик билан янграётганлиги бежиз эмаслигини дил-дилимиздан тушунадиган вақт келди.

«Мустақилликни мустаҳкамлаш учун мен нима қилдим?» деган савол кундалик ҳаётимизнинг бош талабига айланиши керак. Энг асосийси, биз фақат бугуннинг ташвиши билан эмас, балки Ватан қудратини ошириш, уни обод ва фаровонликка эриштириш истаги билан яшашни ҳаётимизнинг мақсадига ва мазмунига айлантира боришимиз зарур.

Зотан, бу бизнинг миллий хусусиятларимиздан келиб чиқади. Халқимиз болаларининг бахти, келажаги учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш ташвиши билан яшайди. Уларни яхши кийинтиришга, едириб-ичиришга, уйли-жойли қилишга, ўқитишга интилади.

Халқимизнинг ана шу ажойиб фазилати мустақиллигимизни мустаҳкамлаш соҳасидаги саъй-ҳаракатларимиз мазмунига мазмун қўшади, куч-қувват бағишлайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда осойишталигимиз, тараққиётимизга халақит бераётган турли кўринишдаги ақидапарастларнинг ёшларимизнинг мурғак онгига таъсир кўрсатишига қаратилган ҳаракатларига чек қўйиш вақти келди. Неча ўн йиллар давомида ота-боболаримиз орзу қилиб келган мустақилликка эришган эканмиз, тарих бизга шундай имконият яратган экан, бу муқаддас озодлигимизга қарши чиқаётган ҳар қандай очиқ ва яширин тажовуз ва таҳдидлардан огоҳ бўлишимиз лозим. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, «биздан озод ва обод Ватан қолиши» учун бор куч-ғайратимизни ишга солиб, мустақиллик мафкурасига чин дилдан хизмат қилишимиз керак.

**Озод АББОСХЎЖАЕВ,**
**ҳуқуқшунос.**



### ВАТАН СОҒИНЧИ

*Ўйламанг, олисга*
*этмадим сафар,*
*Ёки топганим йўқ*
*хориждан дарак.*
*Юртим бағридаман,*
*лекин қалб ёнар,*
*Муқаддас Ватанни*
*соғинар юрак!*

*Навоий ардоғи*
*бўлган бу тупроқ,*
*Бухорий чинордай*
*улғайган замин,*
*Бобур юрагида*
*мангулик — фироқ,*
*Соғиндим Темурнинг*
*буюк Ватанин!*

*Қадим эртакларда*
*гуллаган чаман,*
*Эди оқибат-ла енголган ғамин,*
*Аср довонидан чавандоз ўтган,*
*Соғиндим Алпомиш*
*ботир Ватанин!*

*Ўйламанг, олисга этмадим сафар,*
*Ёки топганим йўқ*
*хориждан дарак,*
*Юртим бағридаман,*
*лекин қалб ёнар.*
*Муқаддас Ватанни соғинар юрак!*

**Ҳумоюн АКБАРОВ.**

## МУНОСАБАТ

# ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

Аслида уни топиш осон ҳам, қийин ҳам эмас. Фақат одам, аввало, ўзлигини англаши керак. Ўзим муаллимман. Қирқ йилдан кўпроқ бир мактабда ёшларга сабоқ бердим. Ҳозир эса нафақадаман.

Ўтган йили Яратганнинг инояти билан Умра сафарига бориб келдим. Дунё кўрган одам ўз уйидан, она тупроғидан олислашса, ўз Ватанининг қадрини, меҳрини англар экан. У ёқда «мен ўзбекман» деган сўзни эшитса, ҳўнграб йиғлайдиган зотларни кўрдим, дардларини эшитдим. Ҳатто кўришсак, қўлларимизни юз-кўзларига суртиб, «Ўзбекистоннинг ҳидини туйдим» деганларида ғалати бўлиб кетар экан одам.

Президентимизнинг Олий Мажлис XI сессиясида айтган гапларини эшитиб ўтириб ўйлаб қолдим. У киши олимлару таълим-тарбия масканларининг тарбиячилари ва муаллимлари юртимизга соя солаётган хавф ва таҳдидлардан ёшларимизни ҳимоя этиши кераклигини очиқчасига таъкидладилар. Бу гаплар бежиз айтилмади. Чунки четдан кўрсатилаётган турли кўринишдаги таъсир кучлари ҳозир кўриниб, сезилиб қолди.

Йўқ, биз энди кўзимизни каттароқ очишимиз керак. Ахир, маърифатли халқнинг вакилларимиз деб мақтанишни биламиз-ку! Нега энди ўткинчи, ёлғон-сохта алдовларга ишонаяпмиз? Энг тўғри йўл, аввало, ҳалолликда. Қолаверса, шу озод Ўзбекистонимизнинг қадрини кўтарайлик, юртни асрайлик.

**Темир ЭСОНОВ,**
**нафақадор.**

## АКС САДО

# ЁРУҒ КУНЛАР ҚАДРИ

Наманган вилоятида содир бўлган воқеаларга, бир ҳовуч ақидапарастларнинг ўзларини «биз ваҳҳобийлармиз» деб эълон қилишларига ва уларнинг аянчли қилмишларига тоқат қилиб бўлмайди. Соч-соқол олдиришни гуноҳ деб ҳисоблайдиган чаласавод муллаларга кўр-кўрона эргашиш қандай даҳшатли фожиаларга олиб келганини ўз кўзимиз билан кўриб, қулоғимиз билан эшитиб турибмиз-ку!

Ваҳҳобийларнинг даъволарини қаранг: аёллар албатта ҳижобга киришлари керакмиш. Ҳижоб дегани нима ўзи? У бизнинг ҳаётимизга қаердан кириб келди? Ҳали она сути оғзидан кетмаган мактаб ёшидаги қизчанинг ҳижобга киришини қандай баҳолаш керак? У кимдан яшириниши лозим, ота-онасидан, ўқитувчиларидан ва ўз дугоналариданми?

Яна бир масала. Ўша «мен мулламан» деб даъво қилаётган кимсаларнинг ўзи аслида ким бўлган? У бир диний мадрасада таълим олганми? Оиласи, рўзғор кечириши бошқаларга ибратлими? Маҳалла-кўйда қандай обрўга эга? Отинойиликка даъво қилаётганлар-чи?

Халқимизнинг бугунги кундаги тинч, фаровон ҳаётини кўролмаётган ва бу кунларнинг қадрига етмаётган кимсаларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари ҳеч бир мезонга тўғри келмайди. Ҳолбуки, Қуръони каримда, унинг оятларида кишилар ҳамфикрлиликка, аҳилликка ва ҳамкорликка даъват этилган. Шундай экан, истиқлол берган неъматларнинг қадрига етишимиз, динга ҳам, давлат осойишталигига ҳам путур етказувчи бундай қарашларга чек қўйиб, янги дунёга янгича назар билан қарашимиз керак. Токи униб-ўсаётган авлодимиз соғлом, маънавий етук, ватанпарвар бўлиб камол топсин.

**Турсунбой МИРЗАЕВ,**
**юридик фанлари номзоди.**

СПОРТ SPORT

## «ҲАВАС – 98»:

# МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

*Кеча Тошкент шаҳридаги «Динамо» теннис кортларида «Ҳавас – 98» республика мусобақасининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди*



Спорт сиз билан бизни нафақат жисмоний чиниқтиради, балки сабр-бардошли, зийрак, ўктам ва комил инсон бўлишга ундайди. Рақиблар эришган натижаларига кўра, шартли равишда ғолиб ҳамда мағлуб деган тоифаларга бўлинадилар. Аслида-чи? Аслида спортда ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмайди. Майдонга тушдингми, бас, шоҳсупадан ҳамиша жой топилади. Соддароқ қилиб айтганда, енгилганни ер кўтарар, деган гап жудаям тўғри айтилган. Жаҳон Олимпия қўмитасининг президенти Ж. Авеланж «Жаҳондаги жамики спортчилар учун энг муҳим нарса олимпиада ўйинларида ғолиб чиқиш эмас, балки унда қатнашишдир», деган иборани тез-тез такрорлайди. Хуллас, гапнинг сарасини айтганда, бизнинг «Ҳавас» мусобақамизда ҳам худди шундай кайфият устувор. Учрашувларнинг бориши шундан далолат бермоқдаки, теннис кун сайин юртимизда истиқомат қиладиган ҳар бир кишининг шуурига нурдек сингиб, олам-олам орзуларига айланмоқда.

Кеча мусобақага старт берилиши билан кортларга турли вазирликлар, ҳокимликлар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари дадил чиқдилар. Дастлабки баҳсларда қатнашчилар саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда жуфтлик ўйинларини ўтказишди. Ҳар бир гуруҳдан биттадан жуфтлик ғолиб деб топилиб, навбатдаги босқичга кўтарилдилар. Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Х. Турсунов ва ўша вилоят «Агромашсервис» корхонаси бошлиғи М. Усмоновларнинг маҳоратига ишқибозлар таҳсинлар, олқиш айтишди. Улар ўз гуруҳидаги барча рақибларини 6/0, 6/0, 6/0 ҳисобида мағлуб этдилар. Шунингдек, республика энергетика ва электрлаштириш вазири В. Отаев, «Ўзбекгидроэнергострой» корхонаси ҳуқуқшуноси Х. Икромовлар жуфтлиги ҳам барча рақибларини худди шундай натижа билан доғда қолдиришди. 7 май куни ўтказилган учрашувларда Р. Азимов + Ш. Толипов, Р. Султонов + А. Қосимов, Н. Нишонов + М. Адашев, Ш. Каримов + З. Ризқиев, Т. Сагитов + А. Носиров, Х. Абдураҳмонов + С. Сагатов жуфтликлари ҳам ўз гуруҳларининг ғолиби бўлишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу йилги «Ҳавас-98» мусобақасининг ғолибларини Ўзбекистон Республикаси Миллий банки, «Совпластитал», «Ўзбектуризм», Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Чинни заводи тайёрлаган совғалар кутмоқда.

Бугун ушбу мусобақанинг ҳал қилувчи учрашувлари бўлиб ўтади. Эришилган натижаларга қараб «Ҳавас-98» кубоги ўз соҳибига топширилади.

**Нормурод МУСОМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

# ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

**● БОҒДОД.** Ироқ билан Эрон 1980-1988 йиллари бўлиб ўтган урушда асир олинган ҳарбийларни алмаштириш юзасидан ўзаро келишувга эришди. Унга биноан, ҳарбий асирларни алмаштириш шу ойнинг ўрталарида бошланади.

Маълумки, яқинда Эрон ҳукумати 5584 нафар ироқлик асирни ватанига қайтарган эди. Ўз навбатида Ироқ ҳам 320 нафар асирни Эронга қайтарган.

Иккала давлатда ҳам сақланаётган асирлар сони ҳақида турлича рақамлар кўрсатилмоқда. Айрим маълумотларга қараганда, шу кунга қадар Ироқ турмаларида 15-20 минг эронлик, Эрон қамоқхоналарида эса 25 минг нафар ҳарбий асир сақланган.

**● ИСЛОМОБОД.** Покистон ташқи ишлар вазири Гавҳар Аюб Хон истеъфо сўраб мамлакат Бош вазирига мурожаат қилди. Покистон ташқи сиёсат маҳкамасидан маълум қилинишича, Бош вазир Навоз Шариф унинг илтимосини бажо келтирган. Ҳозирча ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари истеъфосининг сабаблари ҳақида аниқ бир гап айтилмаяпти.

Маълумки, Гавҳар Аюб Хон 1997 йил февраль ойида, яъни Навоз Шариф ҳукумат тепасига келганидан сўнг мамлакат ташқи ишлар вазири этиб тайинланган эди.

**● ЛОНДОН.** Бу ерда Афғонистонга ёрдам кўрсатувчи давлатлар вакилларининг анжумани бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия, Франция, Италия, Германия ва Европанинг бошқа давлатлари, шунингдек, АҚШ, Канада, Австралия, Япония ҳамда Россиядан вакиллар иштирок этди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Анжуманда Афғонистон ҳудудида БМТ вакилларининг иш олиб бориши учун мамлакатда тинчлик сақлаш тўғрисида «Толибон» ҳаракати номига баёнот қабул қилинди.



*БУГУНГИ ВЕНА*

### ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИ АРАФАСИДА

**11 май куни Филиппинда президент сайлови бўлиб ўтади.**

**Ҳозир мамлакатда рақобатчи гуруҳлар ўртасидаги кураш ҳар томонлама авжига чиққан. «ТРУД» газетесининг хабар беришича, куни кеча террорчилик ҳаракати натижасида 17 нафар фуқаро ҳалок бўлди. Филиппин полиция маҳкамасининг маълум қилишича, сайловолди кураш жараёнида шу кунгача 28 та террорчилик ҳаракати қайд қилинган.**

### БИЛГАНЛАРИМИЗ ҲАҚИДА БИЛМАГАНЛАРИМИЗ

## МИНГЛАР, МИЛЛИОНЛАР, МИЛЛИАРДЛАР...

Маълумотларга қараганда, айни пайтда ер юзидаги аҳолининг йиллик ўсиши 86 миллион киши атрофида экан. Дунё аҳли бир миллиард нафардан 2 миллиардга етиши учун 123 йил керак бўлган эди. Учинчи миллиардлик бор-йўғи 33 йилда забт этилди. Ундан кейинги миллиардларга эса яна ҳам тезроқ эришилди. 14 йилда 4 миллиард ва 13 йилда 5 миллиард кишига етди. 1930 йилда атиги 2 миллиардни ташкил этган рақам салкам олтмиш йилда 2,5 баробар ортди. Натижада аҳолининг ўсиши маълум маънода салбий характер касб эта бошлади.

Аҳоли сони жиҳатидан ҳудудлараро кескин тафовут мавжуд. Бу фарқ аҳолининг турмуш тарзи, саломатлиги, ўртача умр кўриши ва бошқа мезонларда ҳам ярқ этиб кўзга ташланади. Масалан, ривожланаётган мамлакатларда оналар ўлими ривожланган давлатлардагига нисбатан 15-50 марта кўп.

Маълумки, дунёнинг энг сераҳоли мамлакатлари Хитой (1234 миллиард), Ҳиндистон (953 миллион), АҚШ (265,8 миллион)дир. Хитойда аҳоли ўсиши йилига 1,4 фоизни, Ҳиндистонда эса 2 фоизни ташкил этади. Бу икки мамлакатда аҳолининг кўплиги боис муаммолар ҳам бисёр.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги ўн йилликда дунё аҳолиси йилига 97 миллион нафарга кўпайиб борар экан. Шитоб билан ўсиш, хусусан, Африка, Осиё ва Лотин Америкасида кузатилади.

Бу йил эса дунё аҳолисининг умумий сони 6 миллиарддан ошади.

**ЎзА ва хориж матбуот хабарлари асосида тайёрланди.**




### ОБ-ҲАВО

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар қилишича, 8 майда Ўзбекистонда ёғингарчилик бўлмайди. Қорақалпоғистонда ва Хоразм вилоятида ҳаво кам булутли бўлади, кечаси 9-14, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳавонинг кам булутли бўлиши кутилади. Кечаси 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, кечаси 9-14, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Пойтахт вилоятининг тоғли туманларида кечаси 2-7, кундузи 13-18 даража илиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳавога бир оз булут чиқади, кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Фарғона водийсидаги вилоятларда ҳаво ўзгариб туради, кечаси 9-14, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, кечаси 10-12, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

(ЎзА)

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедрасининг доценти Рашид Гариповга волидаи муҳтарамаси

**Соғида ая КАРИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат аграр университети ректорати ва жамоаси мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси доценти Ҳикмат Шоумаровга падари бузруквори

**Баҳром ота ШОУМАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ОТАЖ «Абразив корхонаси» жамоаси жамоа раҳбари Искандар Ҳамид-Шаевга отаси

**Обидшох ҲАМИД-ШАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 019, 35059 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.**
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳих — Ш. Маширабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 22.15* 1 2 3 4 5 6